

**БОЛАЛАР МИЛЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/01.02.2022.Tib.147.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ГАНИЕВ СУХРОБ ЗОКИРОВИЧ**

**ПЕРКУТАН НЕФРОЛИТОТРИПСИЯДА БИР ТОМОНЛАМА ОРҚА  
МИЯ АНЕСТЕЗИЯСИНИ ҚЎЛЛАШ**

**14.00.37 – Анестезиология ва реаниматология**

**ТИББИЁТ ФАҲЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Ганиев Сухроб Зокирович**

Перкутан нефролитотрипсияда орка мия анестезиясини  
қўллаш..... 3

**Ганиев Сухроб Закирович**

Применение односторонней спинальной анестезии при перкутанной  
нефролитотрипсии ..... 27

**Ganiyev Sukhrob Zokirovich**

Use unilateral spinal anesthesia in percutaneous  
nephrolithotripsy..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 56

**БОЛАЛАР МИЛЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/01.02.2022.Tib.147.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ГАНИЕВ СУХРОБ ЗОКИРОВИЧ**

**ПЕРКУТАН НЕФРОЛИТОТРИПСИЯДА БИР ТОМОНЛАМА ОРҚА  
МИЯ АНЕСТЕЗИЯСИНИ ҚЎЛЛАШ**

**14.00.37 – Анестезиология ва реаниматология**

**ТИББИЁТ ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида  
В2023.1.PhD/Tib3438 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат тиббиёт университетида бажарилган  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш  
веб-саҳифасида ([www.bmtm.uz](http://www.bmtm.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz))  
жойлаштирилган

**Илмий раҳбар:**

**Мусабаев А.Н.**

Тиббиёт фанлари номзоди

**Расмий оппонентлар:**

**Атаханов Шухрат Эргашевич**

тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Садикова Минура Адхамовна**

тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**С.Д Асфендияров номидаги Қозоқ миллий  
тиббиёт университети**

Диссертация ҳимояси Болалар миллий тиббиёт маркази ҳузуридаги  
DSc.04/01.02.2022.Tib.147.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «24» октябрь куни  
соат 15:30 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани,  
Паркент кўчаси, 294-уй. Тел./факс: (+99855) 503-03-66, e-mail: [ilmiy.kengash@bmtm.uz](mailto:ilmiy.kengash@bmtm.uz)).

Диссертацияси билан Болалар миллий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида  
танишиш мумкин ( \_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: Тошкент шаҳри,  
Яшнобод тумани. Паркент кўчаси, 294-уй. Тел./факс: (+99855) 503-03-66).

Диссертация автореферати 2025 йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ куни  
тарқатилди

(2025 йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр  
баённомаси).

**А.М. Шарипов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, тиббиёт фанлари доктори,  
профессор.

**А.С. Юсупов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори,  
доцент

**Н.Ш. Эргашев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт  
фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясига аннотация)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ҳозирги вақтда сийдик-тош касаллиги билан оғриган беморлар урологик профилдаги барча беморларнинг 30-40% ни ташкил қилади. Сийдик-тош касаллиги буйрак ва сийдик чиқариш йўллариининг энг кенг тарқалган касалликларидан бири бўлиб, эндемиклик, ирк, овқатланиш ва иқлимга қараб, уролитиаз билан касалланиш 1 дан 20% гача бўлиши мумкин<sup>1,2</sup>. Шу билан бирга сўнгги ўн йилликларда тарқалиш ва касалланишнинг сезиларли ўсиши кузатилмоқда.

Ҳозирги вақтда нефролитиазни жарроҳлик даволашнинг асосий усули перкутан нефролитотомия, нефролитотрипсия (тери орқали пункцион нефролитолапаксия) усули ҳисобланади, бу ультратовушли сканерлаш ва рентгеноскопия назорати остида бел соҳасида тахминан 1 см ўлчамдаги пункцион йўлни яратишдан иборат. Буйракга махсус эндоскоп - нефроскоп киритилади, тошлар аниқланади, уларни ультратовуш ва лазерли литотриптерлар билан майдалаш амалга оширилади (буйрак тошларини лазерли майдалаш)<sup>3</sup>.

Перкутан нефролитотрипсияда муваффақиятли қўлланилган анестезия усуллариға умумий анестезия, эпидурал анестезия ва орқа мия анестезияси киради. Умумий анестезия ҳаракат фаоллигини тез тиклаш ва назорат қилиш каби афзалликларға эға. Тошнинг нафас олиш билан ҳаракатини камайтириш учун вентиляция параметрлари назорат қилиниши мумкин. Бироқ, бу усулнинг камчиликларига позицион сиқилиш эҳтимоли, анестезияланган беморни кўчириш қийинлиги, кўшимча аралашувлар зарурат туғилганда кўшимча аналгезия талаби, яққол оғриқ синдроми, узоқ тикланиш даври ва асоратларнинг юқори частотаси киради. Бундан ташқари, беморларнинг анестезиядан қониқиши регионар анестезия гуруҳида юқори бўлган<sup>4</sup>.

Нейроаксиал усуллар (орқа мия ва эпидурал анестезия) операция учун оптимал шароитларни, шу жумладан миорелаксацияни таъминлайди ва ҳаракат фаоллигини тез тиклашға имкон беради. Эпидурал анестезиянинг асосий камчиликларига техник қийинчиликлар ва ҳаракатнинг секин бошланиши киради.

Бу борада орқа мия анестезияси муносиб муқобил усул ҳисобланади (кўпинча перкутан нефролитотрипсияда қўлланилиб, самарали даражадаги оғриқсизлантириш ва мушаклар релаксациясини таъминлайди). Бироқ, орқа мия анестезиясида артериал гипотензия ривожланиш частотаси юқори. Тери орқали нефролитотомияда артериал гипотензия деярли муқаррардир, чунки операция вақтида тананинг ҳолати литотомиядан қорин томонға ётқизиш

<sup>1</sup> Акилов Ф.А., Худайбергенов У.А, Гиясов Ш.И., Мирхамидов Д.Х. Наиболее значимые урологические заболевания в регионе Приаралья и меры по их профилактике. Монография. Ташкент 2020 г. Стр 5 -7.

<sup>2</sup> Ziemba J.B., Matlaga B.R. Epidemiology and economics of nephrolithiasis. Investig Clin Urol. 2017;58(5):299–306. DOI: 10.4111/icu.2017.58.5.299.

<sup>3</sup> Zeng G. et all. Percutaneous Nephrolithotomy. Springer Singapore. 202 p. eBook ISBN 978-981-15-0575-1 Published: 28 February 2020. <https://doi.org/10.1007/978-981-15-0575-1>

<sup>4</sup> Malik I, Wadhwa R. Percutaneous Nephrolithotomy: Current Clinical Opinions and Anesthesiologists Perspective. Anesthesiol Res Pract. 2016;2016:9036872. doi: 10.1155/2016/9036872.

ҳолатигача амалга оширилган симпатик блокада шароитида ўзгаради. Исталмаган гипотензия ривожланишининг юқори хавфи, орқа мия блокини баландлигининг паст назорати анъанавий орқа мия анестезиясининг модификациясига ва «селектив» ёки «унилатерал» орқа мия анестезияси тушунчасининг пайдо бўлишига олиб келган. Оғриқсизлантириш сифатини сақлаб қолган ҳолда, бир томонлама усул гемодинамик реакциялар частотасини камайтиришга қодир. Адабиёт маълумотлари бўйича, абдоминал жарроҳлигида, травматология ва ортопедия, қон-томир жарроҳлигида унилатерал орқа мия анестезияси кенг қўлланилади, агар жарроҳлик таъсири соҳаси оёқ ва чов соҳаси билан чекланган бўлса. Шу билан бирга, тери орқали нефролитотрипсия вақтида унилатерал анестезияни қўллаш имконияти етарли даражада ўрганилмаган.

Операция беморнинг қорин томонига ётқизилган ҳолатда амалга оширилади. Орқа томондаги зарарланган буйрак устида 1,3 см узунликдаги кесма қилинади ва теридан буйраккача бўлган жарроҳлик йўли (канал) яратилади. Сўнгра бу йўл бужлар ёрдамида кенгайтирилади. Шундан кейин нефроскоп (буйракларни кўриш ва ирригация учун иккита қўшимча каналга эга оптик асбоб) киритилади.

Орқа мия анестезияси шароитида перкутан нефролитотрипсияда юзага келиши мумкин бўлган гемодинамик ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, унилатерал усулни қўллаш кўпроқ афзалликларга эга ва ножўя таъсирлар камроқ бўлади.

Жаҳон анестезиология амалиётида анестезиянинг максимал периоперацион хавфсизлигига эришиш масалалари доимий долзарб бўлиб қолмоқда. Беморни антиноцицептив ҳимоя қилишнинг замонавий тушунчалари анестезиянинг регионар усуллари қўллашни талаб қилади. Бундан ташқари, беморларнинг анестезиядан қониқиши регионар анестезия гуруҳида юқори бўлиши аниқланган.

Хавфсиз анестезия концепцияси нуқтаи назаридан, унилатерал усулни қўллаш кўпроқ афзалликларга ва камроқ ножўя таъсирларга эга.

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва тиббий хизмат сифатини ошириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Жарроҳлик урологияси (айниқса эндоурология) соҳасида катта муваффақиятларга эришилган. Шу билан бирга, бу беморларни даволашнинг яқин ва узоқ натижаларини яхшилаш мақсадида перкутан операцияларда анестезиологик қўлланмани оптималлаштириш бўйича илмий тадқиқотлар зарур.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-2021 йиллардаги қонунчилик инициативаларига мос келиб, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ишларга хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишига мослиги**

Диссертация иши Ўзбекистон Республикасининг етакчи тиббиёт олий ўқув юр்தларининг илмий йўналишлари билан узвий боғлиқдир. Тадқиқот

республиканинг фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» йўналишига мос равишда амалга оширилган. Ишнинг режалаштирилишида Тошкент тиббиёт академияси ва Республика Ихтисослаштирилган Урология Марказининг илмий дастури назарда тутилган.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Узоқ йиллар давомида орқа мия анестезияси «ҳамма ёки ҳеч нарса» синфига мансуб ҳодиса сифатида кўриб чиқилган, яъни агар керакли дори керакли дозада керакли анатомик бўшлиққа киритилган бўлса, анестезия ривожланади ва уни бошқариш усуллари деярли мавжуд эмас. Орқа мия анестезиясидан фойдаланиш тажрибаси давомида орқа мия анестезиясининг салбий гемодинамик таъсирларини камайтиришга уринишлар тўхтамаган. Субарахноидал бўшлиқ анатомияси ва маҳаллий анестетиклар гидродинамикаси хусусиятларини тушуниш орқа мия анестезиясини бошқариш имконини берган ва илмий изланишлар «селектив» орқа мия анестезияси, хусусан, «бир томонлама (унилатерал)» тушунчасини шакллантиришга олиб келган. Буйракда перкутан операцияларда анъанавий орқа мия анестезиясини (ОМА) қўллашнинг кўп йиллик тажрибаси ушбу операция учун зарур бўлган блокада ҳажми (симпатик, мотор ва сенсор) яққол ортиқча деган хулосага келиш имконини берган. Тери орқали нефролитотомияда артериал гипотензия деярли муқаррардир, чунки симпатик блокада таъсири вақтида жарроҳлик ҳолати литотомиядан қорин томон ётиш ҳолатигача ўзгаради. Оғриқсизлантириш сифатини сақлаб қолган ҳолда, бир томонлама усул гемодинамик реакциялар частотасини камайтиришга қодир.

Бир томонлама орқа мия анестезиясига бағишланган адабиётларни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, қорин бўшлиғи жарроҳлигида (чов герниопластикаси), қон томир жарроҳлигида ва травматологияда, ортопедияда ушбу турдаги анестезиянинг қўлланилишини муҳокама қилишга катта ўрин ажратилган. Яъни, жарроҳлик таъсир қилиш соҳалари оёқ ва чов соҳаси билан чекланган. Унилатерал усулни қўллаш кўпроқ афзалликларга эга, ножўя таъсирлари камроқ, аммо шу билан бирга тери орқали нефролитотрипсия вақтида унилатерал анестезияни қўллаш имконияти етарлича ўрганилмаган.

Буйрақларда перкутан операцияларда унилатерал анестезияни қўллаш ҳақидаги назарий тахминлар адабиётларда ўз исботини топмаган. Шу билан бирга, ПҚНЛТ (перкутан нефролитотрипсия) да УОМА (унилатерал орқа мия анестезияси) ни қўллаш имконияти ва хавфсизлиги масаласи етарлича ёритилмаган Маҳаллий анестетикнинг мақсадли даражаси, концентрацияси ва ҳажми ҳақида маълумотлар мавжуд эмас. Анестезия селективлигининг юбориш тезлиги (1 дан 15 мл/мин гача), игна модификацияси ва анестетик ҳароратига боғлиқлиги ҳақидаги маълумотлар бир-бирига зиддир.

Жойлаштиришнинг давомийлиги ва хусусияти ҳақида ягона фикр мавжуд эмас. Анестетикни совутиш ҳисобига анестезия селективлигини кучайтириш деярли ўрганилмаган. Ўрганилган тадқиқотларда янада селектив бир томонлама орқа мия анестезиясини олиш учун умуртқа поғонасини ёнбош ҳолатда букиш ва ёзиш ҳисобга олинмаган. Клиник ва экспериментал маълумотларнинг бундай хилма-хиллиги тадқиқотчиларнинг ягона фикрга эга эмаслигини намоён этади ва кейинги таҳлилни талаб қилади. Ушбу муаммони ўрганиш буйракда перкутан операцияларда анестезиянинг энг самарали ва хавфсиз усули сифатида унilaterал орқа мия анестезиясини клиник-патофизиологик асослаш имконини берган.

**Тадқиқотнинг тадқиқот олиб борилаётган муассасанинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Тошкент давлат тиббиёт университети анестезиология - реаниматология кафедрасининг илмий-тадқиқот ишлари режасига Давлат рўйхатга олиш рақами 01.1500212 мувофиқ «Анестезия жараёнида ва тиббиётдаги критик ҳолатларда гомеостаз бузилишларини коррекциялаш» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** Перкутан нефролитотрипсияда бир томонлама орқа мия анестезиясини қўллаш орқали орқа мия анестезиясини бошқарилувчанлигини ва хавфсизлигини ошириш ҳамда унинг селективлигини кучайтириш

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

буйракларда тери орқали операцияларда бир томонлама селектив блокадани бажариш усулини ишлаб чиқиш.

бир томонлама ва анъанавий орқа мия анестезияси шароитида операция қилинган беморларда сенсор ва мотор блокнинг ифодаланганлигини баҳолаш.

селективликни кучайтириш усуллариининг бир томонлама орқа мия анестезияси ривожланишига таъсирини ўрганиш.

бир томонлама ва анъанавий орқа мия анестезияси шароитида операция қилинган беморларда перкутан нефролитотрипсия жарроҳлик амалиёти вақтида гемодинамик ўзгаришларнинг ифодаланганлигини ўрганиш.

**Тадқиқот объекти** сифатида РИУИАТМ да 2019 йилдан 2023 йилгача бўлган даврда перкутан нефролитотрипсия йўли билан операция қилинган 121 нафар сийдик-тош касаллиги бўлган беморлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети.** Перкутан нефролитотрипсияда сенсор ва мотор блокада натижаларини анъанавий орқа мия анестезиясини ва бир томонлама орқа мия анестезиясини қўллаганда қиёсий таҳлил қилиш

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларни ҳал қилиш учун қуйидаги усуллардан фойдаланилган: умумий клиник, лаборатор, инструментал ва статистик тадқиқот усуллари.

**Тадқиқотнинг илмий янгиллиги** қуйидагилардан иборат:

Беморлар буйракларида ўтказиладиган перкутан операцияларда оғриқсизлантириш учун бир томонлама орқа мия анестезияси

қўлланилганида, жарроҳлик муолажаси томонида тўлиқ сенсор ва мотор камали таъминланилиши исботланган.

Сийдик тош касаллиги билан оғриган беморларда перкутан нефролитотрипсия жарроҳлик амалиётида бир томонлама орқа мия анестезиясининг самарадорлиги аниқланган.

Қон айланиш тизимига камроқ таъсир қилганлиги сабабли, юрак-қон томир тизими касалликлари бўлган беморларда бир томонлама орқа мия анестезиясини перкутан буйрак операцияларда қўллаш имконияти аниқланган.

Маҳаллий анестетик бупивакаинни  $+4 - +6$  °C совутилган эритмасини қўллаб, тўлиқ камал билан таъминланиши сабабли бир томонлама орқа мия анестезиясининг селективлиги ошганлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат: сийдик тош касаллиги билан оғриган беморларда перкутан нефролитотрипсия жарроҳлик амалиётида бир томонлама орқа мия анестезиясини қўллаш орқали бу усулнинг анъанавий орқа мия анестезиясидан қолишмаслиги баҳоланди ва кўрсатилди.

Перкутан нефролитотрипсияда бир томонлама орқа мия анестезияси усулини қўллаш жарроҳлик амалиётида хавфсиз анестезияни таъминлаш билан бирга, жарроҳлик томонига қарама қарши томонда симпатик блокада ҳажмини камайтириб, орқа мия анестезиясини барча хусусиятларини сақлаган ҳолда тўлиқ сенсор, мотор блокадага эришилди.

Бир томонлама орқа мия анестезияси анъанавий орқа мия анестезиясига нисбатан гемодинамик асоратлар сонини камайтириш имконини бериб жарроҳлик амалиётида хавфсиз анестезия ўтказиш имконини бериб амалиёт давомида ва амалиётдан кейинги даврда асоратлар олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. Анъанавий орқа мия анестезиясида юқори ТВИ гемодинамик ностабиллик предикторлари сифатида аниқланди.

Маҳаллий анестетик бупивакаинни  $+4 - +6$  °C совутилган эритмасини қўллаш орқали 100% ҳолларда муваффақиятли бир томонлама орқа мия анестезиясига, 62,5% ҳолатларда эса тўлиқ сенсор ва мотор блокада билан катъий бир томонлама орқа мия анестезиясига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги беморлар ҳолатини баҳолашнинг объектив мезонлари, замонавий ташхислаш ва даволаш усулларида фойдаланиш, услубий ёндашувлар ва статистик таҳлил тўпламларини тўғри қўллаш билан асосланади. Тадқиқот етарли миқдордаги клиник материал асосида ўтказилган. Статистик ишловлар олинган натижаларнинг ишонччилигини тасдиқлаган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган хулоса ва таклифларнинг назарий аҳамияти, шунингдек, бир томонлама орқа мия анестезияси қўлланилганда беморларда анестезиологик хавфни камайтириши ва юзага келиши мумкин бўлган гемодинамик ўзгаришларни олдини олиши билан изоҳланади. Бир томонлама орқа мия анестезияси анестезиологик хавф

даражаси юқори бўлган беморларда ҳаёт учун хавфли асоратларнинг камроқ частотаси билан анестезиологик қўлланмани хавфсиз ўтказиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, перкутан нефролитотрипсияда БТОМА (бир томонлама орқа мия анестезияси) ни қўллаш жарроҳлик аралашуви томонида тўлиқ сенсор ва мотор блокадаларни таъминлаш имконини беради; юқори анестезиологик хавф бўлган беморларда ҳаёт учун хавфли гемодинамик ўзгаришлар ва асоратларнинг олдини олиш орқали хавфсиз анестезияни амалга ошириш, беморларнинг касалхонада қолиш муддатини қисқартириш имконини беради.

#### **Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Перкутан нефролитотрипсияда оғриқсизлантириш учун бир томонлама орқа мия анестезиясини қўллаш замонавий клиник-функционал текширувларни баҳолаш натижасида олинган илмий хулосалар асосида Республика ихтисослаштирилган урология илмий амалий тиббиёт марказида 09.04.2024 йилдаги 09-04-009-09/IVm-сон “Буйракларда перкутан операцияларда бир томонлама орқа мия анестезияси” услубий тавсияномаси тасдиқланган. Мазкур услубий тавсиянома перкутан нефролитотрипсияда оғриқсизлантириш учун бир томонлама орқа мия анестезиясини ўтказиш имконини берган:

**Биринчи илмий янгилик:** Беморлар буйракларида ўтказиладиган перкутан операцияларда оғриқсизлантириш учун бир томонлама орқа мия анестезияси қўлланилганида, жарроҳлик муолажаси томонида тўлиқ сенсор ва мотор камали таъминланилиши исботланган; сийдик тош касаллиги билан оғриган беморларда перкутан нефролитотрипсия жарроҳлик амалиётида бир томонлама орқа мия анестезиясини қўллаш орқали бу усулнинг “анъанавий” орқа мия анестезиясидан қолишмаслиги ва самарадорлиги баҳоланган ва кўрсатилган; **ижтимоий самарадорлиги:** перкутан нефролитотрипсия амалиётида бир томонлама орқа мия анестезиясини қўллаш, жарроҳлик томонида тўлиқ сенсор ва мотор блокадаси билан хавфсиз оғриқсизлантиришни таъминлашга имкон берган, бу айниқса юқори анестезиологик хавф бўлган беморлар гуруҳида юқори самарадорлик ва хавфсизликни таъминлаган ва юзага келиши мумкин бўлган асоратларнинг олдини олган; **иқтисодий самарадорлиги.** Беморларни стационар даволаш муддатини қисқартириш ва асоратларни бартараф этиш орқали харажатларни тежаш 20% ни ташкил қилган. Шифохонада ётадиган 1 кунлик жой нархи 180400 сўм бўлса, шифохонада даволаниш кунларини қисқартириш ва доридармон харажатларини тежаш ҳисобига жами 229900 сўм тежашга эришилган; **хулоса:** перкутан нефролитотрипсия жарроҳлик амалиётида бир томонлама орқа мия анестезиясини қўллаш, анъанавий орқа мия анестезиясидан самаралироқ ҳисобланади.

**Иккинчи илмий янгилик:** сийдик тош касаллиги билан оғриган беморларда перкутан нефролитотрипсия жарроҳлик амалиётида бир томонлама орқа мия анестезиясининг самарадорлиги аниқланган; **ижтимоий самарадорлиги:** перкутан нефролитотрипсияда бир томонлама орқа мия анестезияси усули

жарроҳлик амалиёти даврида хавсфиз анестезияни таъминлаш билан бир қаторда, у операция соҳасига қарама-қарши томонда симпатик блокада таъсирини камайтирган ва анъанавий орқа мия анестезиясининг барча афзалликларини сақлаб, жарроҳлик томонида тўлиқ сенсор ва мотор блокадани таъминлаган; **иктисодий самарадорлиги:** керакли ҳажмдаги анъанавий орқа мия анестезиясига нисбатан эришиладиган маҳаллий анестетик миқдори ва инфузион воситаларнинг сарфи камайган; **хулоса:** жарроҳлик амалиётида бир томонлама орқа мия анестезияси усулини қўллаш анъанавий орқа мия анестезиясининг барча афзалликларини сақлаган ҳолда самарали бўлиб, анестезиологик хавфни камайтирган.

**Учинчи илмий янгилик:** қон айланиш тизимида камроқ таъсир қилганлиги сабабли, юрак-қон томир тизими касалликлари бўлган беморларда бир томонлама орқа мия анестезиясини перкутан буйрак операцияларида қўллаш имконияти аниқланган; **ижтимоий самарадорлиги:** Перкутан нефролитотрипсида “анъанавий” орқа мия анестезияси билан таққослаганда бир томонлама орқа мия анестезиясини қўллаш гемодинамик асоратларнинг частотасини пасайтирган ва хавфсиз анестезия ва жарроҳлик амалиётига имкон бериб, амалиёт давомида ва амалиётдан кейинги даврда бўлиши мумкин бўлган асоратларни олдини олган. “Анъанавий” орқа мия анестезияси қўлланилган беморлардаги гемодинамик ностабилликни предиктори сифатида юқори тана вазни индекси эканлиги аниқланган; **иктисодий самарадорлиги:** бир томонлама орқа мия анестезияси қўлланилган гуруҳ беморларда гемодинамик кўрсаткичларга кам таъсир қилиши натижасида вазопрессор ва атропин дори воситаларига эҳтиёж 27% га камайган. Фақатгина 4 нафар асосий гуруҳ беморларига вазопрессор ва атропин қўлланилиб, аксинча қиёслаш гуруҳида бу курсаткич 15 нафарни ташкил этиб, ҳар бир бемор учун 49500 сум миқдордаги тафовут аниқланган; **хулоса:** юрак қон томир касаллиги билан оғриган беморларда бир томонлама орқа мия анестезияси усули юрак қон томир тизимида кам таъсир қилиши сабабли жарроҳлик амалиёти давомида ва ундан кейинги даврда бемор ҳаётига хавф солувчи асоратларнинг олдини олган.

**Тўртинчи илмий янгилик:** Маҳаллий анестетик бупивакаинни +4 - +6 °С созутилган эритмасини қўллаб, тўлиқ қамал билан таъминланиши сабабли бир томонлама орқа мия анестезиясининг селективлиги ошганлиги исботланган. Маҳаллий анестетикни созутиш орқали 100% ҳолларда муваффақиятли бир томонлама орқа мия анестезиясига, 62,5% ҳолатларда эса тўлиқ сенсор ва мотор блокада билан қатъий бир томонлама орқа мия анестезиясига эришилган; ижтимоий самарадорлиги: созутилган бупивакаин эритмаси ва беморни бел қисмини букиб, оёқларни қоринга яқинлаштирган ҳолатни сақлаб қолиш бир томонлама орқа мия анестезиясини селективлигини оширган; иқтисодий самарадорлиги: қатъий бир томонлама орқа мия анестезиясига эришиш орқали инфузион воситалар, ҳамда вазопрессор дори воситаларини ўртача 27% га камайтирган; хулоса: +4 - +6 °С созутилган маҳаллий анестетик қатъий бир томонлама орқа мия анестезиясини тўлиқ таъминлаган.

Тадқиқот давомида олинган натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, “Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази” ДМ Фарғона филиали ва “Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази” ДМ Хоразм филиали амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий-техник Кенгашининг 2024 йил 22 августдаги 501-сон буйруғи ва 26.11.2024 йилдаги 09/11-сон хулосаси).

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари илмий-амалий анжуманларда, жумладан, Россия анестезиолог-реаниматологлар федерациясининг 2019-йилги съездида, Ўзбекистон Республикаси анестезиолог-реаниматологларининг 2023-йилги VI съездида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган, натижаларнинг илмий янгилиги ва илмий-амалий аҳамияти келтирилган, иш натижаларининг апробацияси ва эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва қисқача тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Буйракларда перкутан операцияларни анестезиологик таъминлаш муаммосининг замонавий ҳолати**» деб номланган биринчи бобида 8 та кичик бўлимдан иборат адабиётлар шарҳи келтирилган бўлиб, унда урологик беморларнинг анестезиологик жиҳатдан ўзига хос хусусиятлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Жарроҳлик ҳолатининг хусусиятлари, буйракда перкутан операцияларда анестезия вариантлари, мавжуд анестезия усулларининг имкониятлари ва камчиликлари тавсифланган. ОМА да гемодинамик ўзгаришларнинг физиологияси жарроҳлик вақтида тана ҳолатининг ўзгариши билан биргаликда кўриб чиқилган. Буйракларда тери орқали операцияларни анестезиологик таъминлашда ўз ечимини кутаётган долзарб муаммолар келтирилган.

Диссертациянинг «**Материалнинг клиник тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материали, усуллари ва натижаларининг тавсифи келтирилган. Иш рандомизацияланган истиқболли тадқиқот ҳисобланган.

Тадқиқот ишида «Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази» ДМ нинг анестезиология ва интенсив терапия бўлимининг клиник кузатувларидан фойдаланилган. Тадқиқотлар марказнинг этика қўмитаси томонидан маъқуллангандан сўнг ўтказилди.

Беморларни тадқиқотга киритиш мезонлари:

1. Жарроҳлик аралашуви – ПҚНЛТ
2. ПҚНЛТ операциясида орқа мия анестезиясини қўллаш
3. Беморнинг ОМА га розилиги.
4. Ёши 18 ёшдан 75 ёшгача
5. Тана вазни индекси 18 дан 40 гача
6. ASA –III синфдан юқори эмас

Истисно мезонлари:

1. ОМА учун қарши кўрсатмалар
2. Беморнинг ОМА ни рад этиши.
3. ТВИ > 40 ва < 18
4. ASA > III синфи
5. СБЕ
6. Тадқиқот баённомасини бузиш

Диссертация тадқиқотида 18-71 ёш (ўртача ёш -  $46,3 \pm 3,15$ ) оралиғида перкутан нефролитотрипсияни бошдан кечирган 118 нафар СТК билан оғриган беморларни текшириш натижалари келтирилган.

Анестезия турига қараб беморлар икки гуруҳга рандомизацияланган. Рандомизация тасодифий сонларнинг компьютер рўйхатидан фойдаланган ҳолда шаффоф бўлмаган муҳрланган конвертлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилган. Биринчи (асосий) гуруҳда - 60 нафар беморда бир томонлама орқа мия анестезияси ўтказилган. Иккинчи гуруҳда (назорат) - 58 нафар беморга анъанавий орқа мия анестезияси ўтказилган. Беморларнинг умумий тавсифи 1-жадвал ва 1-расмда келтирилган. Анъанавий (икки томонлама) орқа мия анестезияси (ОМА) энг «тўғридан-тўғри» назоратдир, чунки у айнан бир томонлама блокнинг таъсирини изоляция қилиш имконини беради: операциядан кейинги оғриқ даражасини, анальгетикларга бўлган эҳтиёжни, гемодинамик барқарорликни ва бошқаларни таққослаш, анестетикни киритиш тамойиллари ва таркиби мутлақо ўхшаш. БТОМА ва АОМА ни таққослаш бир томонлама ёндашув ҳақиқатан ҳам барқарор гемодинамика кўринишида устунликни таъминлашини текшириш имконини беради, ножўя таъсирлар ва асоратларнинг намоён бўлишини камайтириш, анестетик дозасини камайтириш ва соғлом томонда сезувчанликни тезроқ тиклаш кўринишида устунликни таъминлашини текшириш имконини беради.

Беморларнинг умумий тавсифи 1-жадвал ва 1-расмда келтирилган. Гуруҳлар ёши, жинси ва антропометрик маълумотлар, ёндош патологиянинг ифодаланиши бўйича таққосланган.


### Жадвал 1.

#### Беморларнинг клиник тавсифи (n = 118)

	Эркак	Аёл	Ёши	Бўйи	Вазни	ТВИ
<b>Жами</b>	70 (59,32%)	48 (40,68%)	46,28±14,1	168,8±8,3	78,5±16,3	27,7±5,7
<b>АГ (n=63)</b>	38 (63,3%)	22 (36,67%)	44,8±14,2	169,4±8,3	74,6±15,6	26,3±5,8
<b>НГ (n=58)</b>	32 (55,2%)	26 (44,8%)	47,9±13,9	168,1±8,4	82,8±16,0	29,3±5,3

P>0.05

P            X<sup>2</sup>=1,23;            P>0.05            P>0.05            P>0.05            P>0.05



### 1 расм. Беморларнинг ёндош касаллиги

Биринчи гуруҳ беморларида анестезия операция қилинган ёнбошда ётган ҳолатда ўтказилган. Субарахноидал бўшлиқ пункцияси ўрта чизик бўйлаб, L2-3 даражасида, Quincke 26G типдаги игна билан амалга оширилган. Субарахноидал бўшлиқда игна борлиги (ликворнинг оқиши) тасдиқлангандан сўнг, 2 мл ҳажмли шприц билан 1 мл/мин тезликда Гипербарикли 0,5% Бупивакаин эритмаси 7,5 - 10 мг миқдорда юборилган.

Субарахноидал бўшлиқнинг турли хил ҳажми (барча текширилганларда) асосан антропометрик параметрларга ва кўпроқ ўсишга боғлиқ деб фарз қилиб, бупивакаиннинг юбориладиган дозаси 0,05 мг/см ўсишдан ошмаган.

Асосий селектив усуллар (ёнбошда ётиш, 1 дан 4 мл/мин гача юбориш тезлиги, анестезиянинг ламинар оқимини ва позициянинг давомийлигини таъминлаш) ҳар доим ҳам селектив орқа мия анестезиясини таъминламаган. Бир томонлама анестезиянинг селективлигини кучайтириш учун биз анестетик эритмасини +4 - +6°C гача совиштиш (эритманинг зичлиги ва ёпишқоқлигини ошириш) ва беморнинг орқаси ва оёқлари букилган ҳолатда бўлиши ҳисобига субарахноидал бўшлиқнинг ўртасида «от думи» тузилмаларини барқарорлаштириш кўринишидаги кўшимча усуллар комбинациясидан фойдаландик. «От думи» орқа мия суюқлигида сезиларли ҳаракатчанликка эга бўлганлиги сабабли, умуртқа поғонасини букиш (оёқларни қоринга келтириш билан) унинг тузилмаларини марказлаштирган ва маҳаллий анестетикга асосан пастки тузилмаларга таъсир қилиш имконини берган. Анестетик юборилгандан сўнг бемор 20 дақиқа давомида букилган ҳолатда (оёқларини қорнига яқинлаштирган ҳолда) ёнбошлаб ётди. Бундай ҳолат анестетикнинг айнан пастки илдизчаларда фиксацияланиш эҳтимолини оширишга имкон берди, умуртқа поғонаси эгилишини 15-20 дақиқа давомида сақлаб қолиш эса ёнбош ётган ҳолатда умуртқа поғонасини ёзиш билан таққослаганда бир томонлама спинал блок эҳтимолини оширади. 20 дақиқадан сўнг, аралашувнинг 1-босқичини ўтказиш учун бемор орқаси билан липотамик ҳолатга ўтказилди. Беморларнинг бир қисми селективликни

кучайтириш усулларидадан фойдаланган ҳолда текширилди, улар учун принципиал жиҳатлар қуйидагилар эди: «пункция вақтида беморларнинг ҳолати ва анестетик киритилгандан кейинги 20 дақиқа - оёқларни қоринга олиб келиш билан ёнбошда букилган ҳолатда; анестезия учун анестетикнинг совутилган эритмаси ишлатилган».

Иккинчи (назорат) гуруҳ беморларида анъанавий орқа мия анестезияси L2-3, L3-4 даражада ўтирган ҳолатда бажарилган. Субарахноидал бўшлиқ пункцияси Quincke 26G типидagi игна билан ўрта чизик бўйлаб ўтказилган. Субарахноидал бўшлиқда игна борлиги тасдиқлангандан сўнг (ликворнинг оқиши), 12-15 мг гипербарикли 0,5% Бупивакаин эритмаси юборилган. Анестезияни киритгандан сўнг бемор операциянинг биринчи босқичини ўтказиш учун литотомия ҳолатига чалқанча ётқизилган.

Тадқиқот давомида антропометрик маълумотлар, аралашув ва анестезия тури ва уларнинг давомийлиги, инфузия ҳажми, вазопрессорларни киритиш зарурати, асоратлар ёки ножўя таъсирларнинг частотаси ва табиати қайд этилган. Ўрганилаётган гуруҳларда орқа мия анестезияси ўтказилгандан сўнг ҳар икки томондан ҳарорат, сенсор ва мотор блокларининг ривожланиши ўрганилган. Ҳарорат блокадаси музли тест («Cold» - тест) ёрдамида баҳоланган, сенсорли блокада «pin-prick» (игна билан қўзғатишга жавобан терининг оғриқ сезгирлигини йўқотиш) тести ёрдамида амалга оширилган. Сенсор анестезиянинг давомийлиги 10 балли рақамли рейтинг шкаласи бўйича 3 ва ундан ортиқ балларда биринчи оғриқлар пайдо бўлиши билан аниқланган. Ривожланишнинг бошланиши, максимал сегментар даражаси, давомийлиги, тескари ривожланиш баҳоланган. Мотор блокадани баҳолаш учун Ф.Р. Бромейдж (P. Bromage) шкаласидан фойдаланилган: 0 балл - чаноқ-сон, тизза ва болдир-товон бўғимларида ҳаракатланиш қобилияти; 1 балл - фақат тизза ва болдир-товон бўғимларида ҳаракатланиш қобилияти; 2 балл - фақат болдир-товон бўғимида ҳаракатланиш қобилияти; 3 балл - барча учта бўғимда ҳаракат қила олмаслик - тўлиқ мотор блокада.

Монитор «ЮМ 300-15» ёрдамида гемодинамик ва респиратор кўрсаткичлар назорат қилинди – ЮҚС, систолик АҚБ (САҚБ), диастолик АҚБ (ДАҚБ), ўртача АҚБ (ЎАҚБ), сатурация кўрсаткичи (SpO<sub>2</sub>), тана ҳарорати. Марказий гемодинамик кўрсаткичлар ЗҲ, ЗИ, ЮИ, ҚМҲ, УПКҚ. Барча маълумотлар беморни жарроҳлик столига ётқизишдан тортиб, анестезия ва операциянинг барча босқичларида жарроҳлик аралашувининг охиригача қайд этилган.

Статистик ишловни ўтказиш учун тери дерматомаларини индекслаш, дерматоз сонини сакрал бўлимдан кўкрак бўлимигача ошириш бажарилган. Маълумотларнинг статистик ишлови «IBM SPSS Statistics v23» IBM (АҚШ) ва Microsoft Office Excel 2019 (АҚШ) статистик дастурлар пакетидан фойдаланган ҳолда ўтказилган.

Диссертациянинг «**Перкутан нефролитотрипсияда бир томонлама орқа мия анестезиясини ўрганиш натижаларини таҳлил қилиш**» деб номланган учинчи бобда буйракларда перкутан операцияларда бир

томонлама орқа мия анестезиясини қўллаш имкониятларини ўрганишга бағишланган.

Биринчи гуруҳда ҳарорат, сенсор ва мотор блокадаси ривожланишини кузатиш уларнинг ривожланишининг қонуний кетма-кетлигини аниқлаган. Анестетикни киритиш вақтида беморлар томонидан белнинг пастки қисмидаги соҳаларда иссиқлик ҳисси сифатида тасвирланган ҳарорат парестезияси пайдо бўлган, бу кейинчалик тананинг бутун ярмига ва оёқларга тарқалган. Бемор «касал» ёки «тобе бўлган» ёнбошда бўлган 20 дақиқалик интервалнинг охирига келиб, ҳарорат анестезияси максимал даражага етган ва одатда сенсор блокада даражасидан бир сегментга юқори бўлган.

20 дақиқалик интервалнинг охирига келиб, анестезия максимал даражага етди. 48 (80%) беморларда АГ бир томонлама орқа мия анестезия муваффақиятни кўрсатди. Асосий гуруҳдаги сезги блокадаси кўп ҳолларда (66,67%) 13-14 сегментни қамраб олади ва Th10 сегментидан юқorigа етди. Бромаже шкаласи бўйича ўртача (медиана) 2,5 балл (2;3) Me (Q1;Q3) га тўғри келган.

2 – жадвалда келтирилган маълумотларнинг таҳлили турли томонлардан АГ да анестезияни ривожланишида сезиларли фарқ борлигини кўрсатди. Сенсор блокадани тарқалишининг ўртача даражаси тақсимотлар каби қарам («касал», қуйида ётган) ва қарам бўлмаган томонлар ўртасида катта фарқ қилади. Қарам бўлган томондан у 13 сегментга тарқалди ва Th11 сегмента етиб борди (Q1 - Th12; Q3 - Th10) (қарам томондан сезиларли даражада юқори), қарам бўлмаган томондан 8 та сегментга (L3) тарқалган, медиана L1 ни ташкил этган. Шунингдек кузатишларнинг блокада даражалари бўйича тақсимланиш даражаси ҳам фарқ қилади. Кўп кузатувларда қарам томонда (66,67%) у 10 кўкрак сегментида (ўртача Th11) юқори даражага қадар чўзилган бўлса, мустақил томонда кузатувларнинг аксарияти (41,67%) 8 сегментга тўғри келган ва L1 (медиана L3) даражасидан ошмаган. Асосий гуруҳда мотор блокадасининг ривожланишдаги сезиларли фарқлар ҳам бир томонлама орқа мия анестезиясининг селективлигини кўрсатади. Қарам томондан, тадқиқотнинг биринчи босқичида мотор блокиннинг даражаси 2 (Q1-1; Q3-3) ни ташкил этган ва Бромаже шкаласи бўйича унинг максимал даражаси 3 балл 53,33% ҳолатларда кузатилган. Қарам бўлмаган томондан мотор блокадасининг намоён бўлиши 0,5 баллга тўғри келган (медиана 0,5; Q1-0; Q3-3). Кузатувнинг кўпчилигида (70%) бу кўрсаткич нольга тенг бўлган, яъни беморларда қарам бўлмаган (соғлом) томонда мотор блокадаси мавжуд бўлмаган.

## Бир томонлама анестезияда блокадининг қиёсий тавсифи

Босқичлар	Сенсорли блок				Моторли блок Me(Q1;Q3)	
	Сегментлар сони		Максимал даража Me(Q1;Q3)		Қарам томон	Қарам бўлмаган томон
	Қарам томон	Қарам бўлмаган томон	Қарам томон	Қарам бўлмаган томон		
1	12,98±0,14	8,27±0,66	Th11 (Th12;Th10)	L1 (S2;Th11)	2 (1;3)	0,5 (0;3)
2	12,95±0,15	8,18±0,65	Th11 (Th12;Th10)	L1 (S2;Th12)	2 (1;3)	0,5 (0;3)
3	12,82±0,15	8,33±0,66	Th11 (Th12;Th10)	L1 (S2;Th11)	2 (1;3)	0,5 (0;3)
4	12,83±0,15	8,19±0,67	Th11 (Th12;Th10)	L1 (L3;Th10)	2 (1;3)	0,5 (0;3)
5	12,73±0,15	8,12±0,66	Th11 (Th12;Th10)	L1 (L3;Th10)	2 (1;3)	0,5 (0;3)
6	12,46±0,16	8,08±0,65	Th11 (Th12;Th10)	L1 (L3;Th10)	2 (1;3)	0,5 (0;3)


*Изоҳ:* Кузатувнинг барча босқичларида қарам ва қарам бўлмаган томонлар ўртасидаги таққослашда  $p < 0,001$ , яъни томонлар ўртасидаги фарқлар статистик жиҳатдан аҳамиятли.

Таққослаш гуруҳида (анъанавий орққа мия анестезияси қўлланилган) барча беморларда орққа мия анестезияси муваффақиятли бажарилган. 20 дақиқалик интервалнинг охирига келиб кўпчилик беморларда сенсор блокадининг максимал даражаси (74,1%) Th9 сегментига етди. Мотор блоки ҳам сенсор блок билан бирга ривожланиб барча беморларда Бромейже шкаласи бўйича 3 балл даражасига етди. Шунини таъкидлаш керакки, 5 нафар бемор амалиёт давомида оғриқ сезганлиги учун опиатлардан қўшимча оғриқсизлантириш эҳтиёжига олиб келди.

Бир томонлама селектив орққа мия анестезиясини асосий гуруҳ беморларда батафсил таҳлили шунини кўрсатдики ҳарорат, сезувчанлик ва мотор блокиннинг ривожланишига қараб ушбу типик сценарий кузатилиши мумкин: қатъий бир томонлама анестезия, қарам бўлмаган томоннинг қисман бир томонлама блокадаси ва икки томонлама сенсор ва мотор блокиннинг турли даражада ифодаланган икки томонлама блокадаси.

Фақатгина 15 (25%) беморларда БТОМА га эришилган (2.А-расм). Ушбу беморларда мустақил («соғлом») томонда сенсор ва мотор блокада белгилари кузатилмаган. Сенсор анестезиянинг ўртача даражаси - Th10 (13 сегмент), максимал даражаси Th7. Мотор блокада ҳам шу томонда ривожланган - 93,3% ҳолатларда максимал 3 баллга етган (2А-расм). Анестезиянинг яққол ифодаланган латеризацияси билан 33 та ҳолатларда (55%) беморларда қарама-қарши томондан сенсор ва мотор блокада белгилари ҳам кузатилган. Сенсор блокада ўртача баландлик даражаси Th9 (ўртача Th11), «соғлом» томонда ўртача баландлиги L1 дан баланд бўлмаган. Ушбу беморларда тобе томондаги мотор блокиннинг максимал даражаси 3 балл 24,2%, 2 балл даражаси 36,4% ҳолатларда, ўртача мотор блок  $1,82 \pm 0,08$  баллни ташкил

этган. Соғлом томондан мотор блокининг ўртача даражаси  $0,33 \pm 0,05$  баллга тўғри келган (2Б-расм).



## 2- Расм. 1 гуруҳ беморларида сенсор анестезиянинг тарқалиши

12 нафар (20%) беморларда анестезия икки томонлама сценарий бўйича ривожланган, гарчи сенсор блокада даражаси иккала томондан бир хил бўлса ҳам (3Б-расм), учта ҳолатда мотор блок унинг даражасига мос келмаган. Тасвирланган иккала ҳолатда ҳам у қарам бўлмаган («соғлом») томонда сезиларли даражада кам ифодаланган: 2 ҳолатда 0 балл ва Бромейж шкаласи бўйича 1 балл.

АҚБ ва ЮҚС ўзгаришларини ўрганишда ҳам тадқиқот босқичи, ҳам симпатик блокада ҳажми билан боғлиқ қонуният аниқланган. Артериал босимнинг энг аҳамиятли пасайиши операциянинг 4-босқичида (қорин томонга ағдарилиш) содир бўлган. Иккала томондан анестезия ривожланган беморларда артериал босимнинг энг яққол пасайиши кузатилган, АҚБ (-22,5% дастлабкига нисбатан) ва ЮҚС (-16,2%) пасайиши, бу инфузия тезлигини оширишни ва камдан-кам ҳолатларда (6,7%) вазопрессорларни қўллашни талаб қилган (3 - жадвал).

**Жадвал 3**

**Икки томонлама ОМА бўлган АГ даги беморларда гемодинамика кўрасаткичлари(n=12)**

Босқичлар	ЎАҚБ	ЮҚС	ЗХ	ЮИ	ПҚТҚХ
1	124,97±23,14	87,67±12,07	62,74±4,74	2,9±0,3	1988,7±225,4
2	101,17±12,98*	74,25±12,49	69,85±3,98	2,76±0,28	1685,69±159,61
3	96,81±12,05*	73,42±13,12*	66,03±4,15	2,55±0,25	1691,6±117,03
4	98,42±14,90	76,83±10,78	64,94±3,42	2,58±0,15	1620,79±70,54
5	99,42±15,1	76,92±15,10	68,14±3,73	2,72±0,23	1594,17±101,67
6	102,25±18,3	72,42±7,35*	61,2±3,61	2,3±0,14	1908,51±123,34
7	97,78±16,78	74,67±9,15*	66,75±5,42	2,6±0,25	1719,48±190,42

Изох: \* - биринчи босқичга нисбатан статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқлар  $P < 0,05$  даражасида

Бир томонлама анестезия ҳолатларида гемодинамик ўзгаришлар камроқ ифодаланган характерга эга бўлган. Ўртача ҚБ пасайиши дастлабки даражадан 7,5% дан, юрак уриши эса 10,9% дан ошмаган (4-жадвал).

**Жадвал 4**

**Бир томонлама ОМА си АГ беморларда гемодинамика кўрасаткичлари (n=15)**


Босқичлар	ЎАҚБ	ЮҚС	ЗХ	ЮИ	ПҚТҚХ
1	98,51±10,48	78,93±13,97	66,35±3,26	2,96±0,24	1623,39±112,82
2	91,11±14,56	72,73±15,60	68,65±3,77	2,75±0,18	1573,94±113,78
3	94,31±14,65	72,67±12,20	69,6±3,61	2,85±0,2	1586,02±129,27
4	92,76±13,21	73,53±11,80	69,16±4,91	2,81±0,18	1587,11±150,89
5	94,42±13,84	71,73±10,22	69,64±6,15	2,73±0,2	1668,5±199,82
6	95,67±13,37	75,00±11,01	69,44±5,03	2,93±0,22	1622,38±175,34
7	97,09±11,69	72,93±11,69	62,56±2,63	2,53±0,15	1813,42±144,8

Изох: барча кўрсаткичлар бўйича натижаларда статистик аҳамиятли фарқлар кузатилмаган,  $P > 0,05$

Таққослаш гуруҳида гемодинамик кўрсаткичларни ўрганишда аниқландики, артериал босимнинг энг аҳамиятли пасайиши операциянинг 4-босқичида беморнинг қорин томонга ағдарилиши билан боғлиқ бўлган.

Шундай қилиб, АҚБ нинг энг аҳамиятли пасайиши ТВИ юқори бўлган беморларда қайд этилган (3 - расм).

Тадқиқотнинг тўртинчи босқичига келиб, яъни бемор қорин томонга ағдарилгандан сўнг, ушбу беморларда ўртача АҚБ бошланғич даражадан 22,9% га, ПТУҚ 28,35% га ЮҚС эса 16,4% га пасайган. Бундай пасайишни коррекциялаш учун вазопрессорлардан (фенилефрин - мезатон) фойдаланишга тўғри келган, чунки инфузия тезлигининг ошиши кутилган самарани бермаган. 4-босқичда ТВИ 35 кг/м<sup>2</sup> дан юқори бўлган беморларда минимал кўрсаткичлар қуйидагича бўлган: ўртача АҚБ 61 мм сим.уст, ЮҚС 41 зарба/мин. 2-гуруҳдаги барча текширилганларда гемодинамик ўзгаришлар бир томонлама бўлган бўлсада, аммо нормал вазнли ёки камроқ ифодаланган ортиқча вазнли беморларда ўзгаришлар камроқ намоён бўлган. ТВИ 30-35 бўлган беморларда минимал қийматлар: ўртача АҚБ - 74,3 мм сим.уст. ва ЮҚС дақиқасига 53, ТВИ 25-30 бўлган беморларда минимал қийматлар қуйидагича бўлган: ўртача АҚБ - 75 мм сим.уст. ва ЮҚС дақиқасига 55, ортиқча вазнсиз беморларда минимал қийматлар қуйидагича бўлган: ўртача АҚБ - 77 мм сим.уст. ва ЮҚС дақиқасига 53 минут.



### 3 Расм. ТВИ га боғлиқ ҳолда назорат гуруҳ беморларнинг ЮҚС динамикаси

